



# ТОШКЕНТ



**XXI аср**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оксаройда Япония ташки ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегациясини қабул қилди.
- Жиззаллик деҳқонлар қабул пунктларига 262 минг 850 тонна галла етказиб бериб, бу борадаги топшириқни ошиғи билан бажардилар.
- Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси томонидан ташкил этилган «Кариялар саломатлиги — давлат эътиборида» мавзuidaги илмий-амалий анжуманда кариялар саломатлигини дори воситалари ва уларсиз тиклаш асослари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.
- Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Навоий вилояти ҳокимлигида ўтказилган илмий-амалий анжуманда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича вилоятдаги мутасадди идоралар ҳузурдаги комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида сўз борди.
- Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ҳудудий комиссияларнинг олти ойлик иш фаолияти ҳисоблари таҳлил этилиб, бу борада улар томонидан ўзини чоракада бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

- Қечда мамлакатимизга сафарини якунлаган Япония ташки ишлар вазирининг катта ўринбосари, «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегацияси раҳбари Сэйкен Сугиура Тошкент Давлат юридик институтига ташриф буюрди.
- Тошкентда «Ўзбеким» давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «Ситик» компанияси вакиллари ўртасида Қўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш лойиҳаси бўйича ўзаро шартнома имзоланди. Умумий қиймати 32,3 миллион АКШ долларини ташкил этувчи мазкур лойиҳанинг асосий қисми Хитой Саноат-тижорат банки, қолгани эса «Узсаннаотқурилишбанк»и томонидан молиялаштирилди.
- Давлат божона қўмитасида мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритаётган барча божона постлари бошлиқлари иштирокда семинар-көнгаш бўлиб ўтди.
- Сирдарё вилоят биржа марказида «ЭкспоМарказ» тақдироти бўлиб ўтди. Уни Гулистон Бизнес-инкубатори ва вилоят Биржа маркази ҳамкорлида ташкил этди.

- Бугун Тошкентда «Турон» кутубхонасида кутубхоначилик бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этиш масалалари гапирилган уч кунлик семинар-тренинг ўз ишини давом эттирди.
- Республика Ички ишлар вазирлиги академиясида аби-туриентлар учун имтиҳонлар бўлиб ўтмоқда. Жорий йилда 650 кишини қабул қилиш режалаштирилган. Академия фаолият курсатаётган 8 йил мобайнида жами 7 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди.

- Қечда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тиббиётга бағишланган янги китобларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

- «Хонобод-Андижон» сув қувури тозалаш станциясининг иккинчи набайти фойдаланишга топширилди.
- Урганч шаҳар суратлар галереясида «Кизил Хот ва Қизил Ярим Ой» жамиятининг «Бир асрни қамаб олган фотосуратлар» номи кўргазмаси бўлиб ўтди.
- Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво очки бўлди. Шарқдан соңиясига 3-8 метр тезликда шамол эқди. Қуңдуз қуни ҳаво харорати 39-41 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси Тошкентда ҳаво хароратининг 22-24 даража иссиқ, эртага қуңдузи эса ҳаво хароратининг 39-41 даража иссиқ бўлиши кутулмоқда.

## Жаҳонда

- Европа Иттифоқи Африка Иттифоқи ташкилотини тузилганини қўллаб-қувватлади.
- Сараево шаҳрида Босния, Хорватия ва Югославия давлатлари Президентлари учрашувига тайёрлаш қўрилмоқда. Президентлар қўқоқлар, оилалар ва бошқа қўллаб-қувватлаш зарур бўлган муаммолар юзасидан келишувга эришиш ва ҳамкорлик қилиш сингари масалаларни муҳокама қилишди.
- Венесуэла Президенти Уго Чавес айна пайтда мамлакатда ҳарбий тўнтариш ҳафи йўқлиги ва у давлатни 2013 йилгача бошқаришни маълум қилди.
- АКШ ҳуқумати 131 нафар покистонлики мамлакатдан чиқариб юборди. Уларга аввал ҳам мамлакатдан чиқиб кетиш уқтирилган. Улар 11 сентябрь фожасидан кейин қузатувга олинган шахслардир.
- 1 июль қуни Афғонистоннинг Урузган кишлоғидаги тўй АКШ ҳарбий-ҳаво қучлари томонидан янглиш бомбардимон қилингани үчүн АКШ Афғонистонга икки миллион доллар микдорда товсн пули тўлайдиган бўлди.

- Афғонистонда ақилтеррор операциялари қизган паллага кирган пайтда террорчилар «Уолл-стрит жорнэл» наشري муҳбири Даниел Перлни ўғирлаб кетиб куракда турмайдиган турли шартлар қўйган ва охири-оқибат уни қатл этган эдилар. Покистонда қотиллар устидан суд жараёни тугади. Бош айбдор Аҳмад Умар Саид Шайх осиб ўлдиришга, яна икки жиноятчи 25 йил қамқоқ жазосига ҳукм этилди.
- Москва ва Волгадондаги турар жойларни портлатишни уоштуришда айбланаётган Россия фуқароси Грузияда қўлга олинди. Террорчилик ҳаракатларини содир этишда айбланаётган бир неча жиноятчиға ҳукм чиқарилди.
- Америка қуруллар бюроси экспертлари жиноят содир этишда энг қўқуланадиган қуруллар рўйхатини тузишди ва бу рўйхатни Time журнали эълон қилди. Рўйхат 2000 йилда АКШнинг 46 шаҳрида содир этилган жиноятлар пайтида олиб қўйилган 88 минг ўқотар қуруллар асосида тузилган.
- Қечда Евро пул биллиги сифатида муомаллага киритилгандан бунд биринчи марта ўз қийматига кура АКШ долларидан ошиб қэзди. Қузатувчилар бунга Америка иктисодиётини бошидан кеч-ираётган қийинчиликлар сабаб бўлди, дейишмоқда.


- АКШ Давлат котиби Колин Пауэлл Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатларида содир этилган қўпурувчилик ҳаракатларини қэскин қоралади. Уша террорчиликлар оқибатида 27 киши ҳавддан қуз юмган эди. Маълумки, Колин Пауэлл шу ойнинг охирида Осиё давлатлари бўйлаб сафарға чиқади. Сафар чоғида у Ҳиндистон ва Покистонда ташриф буюришни режалаштирган.
- Покистонда қўпурувчилик ҳаракатини амалга оширишда гўмон қилинётган 16 киши асирға олинган. Маълум бўлишича, бунинг скибатида германияликлардан 7 нафари яраланган. Улар ўз ватаниға қайтиш истагини билдирмоқда.
- Лос-Анжелс аэропорти раҳбарияти қўриқлаш хизмати ходимларини икки баробар қўйатириш ҳақида қарор қабул қилди. 4 июлда содир бўлган отишма бундай қарор чиқаришға сабаб бўлди.
- Бугун Россиянинг биринчи Президенти Борис Ельцин Киргизистон Президентини Аскар Акевининг тақлифиға буюнот Киргизистонға келади. Ельцин Акевининг Чўпунотадаги (Иссиккўлнинг шимолий кирғоғи) қароргоҳида дам олади.

- Исроил қисветси мамлакат телевидениясининг суъный йўлдуси ва қабел орқали узатиладиган телеканалларда порнофильмлар намоишини тақиюловчи қарор чиқарди.
- Қечда Нью-Йоркда Яқин Шарқ жоғорсини барқарорлаштириш юзасидан тўрт халқаро воситачиларнинг учрашуви очилди.
- Йордания дарёсининг гарбий соҳилидаги Калькилья шахарининг тўрт қаватли биносида қучли ёнгин содир бўлди. Фаластинлик ўт ўчирувчиларға исроиллик ҳамкасблари дарҳол ёрдамға етиб келиб, биргаликда ёнгини ўчирди.
- Афғонистон пойтахти Кобулда яшовчи 3 кишида вабо касаллиғи аниқланган. Сўнги уч ҳафта ичида ушбу касаллик юкдан деб гўмон қилинаётган 6 мингдан зиёд афгон фуқароси шифохоналарға келтирилган.
- Лотин Америкасининг тоғли ўлкаси Перува юз берган қорбўрон бугун мамлакат ҳаётини издан чиқариб юборди. Табиий офат инособати билан 8 департаментда фуқулдода ҳолат эълон қилинди. Мамлакат Президентини ёрдам сураб жаҳон ҳамжамиятиға мурожаат этди.

### Бунёдкорлик

## Янги уй

# қувончлари



Пойтахтимизда «Узўйжамгармабанк» буюртмасига асосан бунёд этилаётган қўқина уйлар шуниси билан эътиборлики, кейинги йилларда ортиқча харажатлар сарфламаслик мақсадида ҳамда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборға олиб хонадонлар ички пардозсиз фойдаланишга топширилмоқда.

Ана шундай қўп қаватли уйларнинг 5 таси шахримизнинг Миробод туманининг Нукус кўчасига алоҳида файз бағишлайди. Айни кунларда ушбу 12 қаватли турар жой биноларининг тўртинчиси фойдаланишга топширилиш арафасида бўлиб, 46 хонадонга мўлжалланган охириги — 3«а»-уйининг эса саккизинчи қавати тикланмоқда. Бош пудратчи «Уйжойқурилиш» ҳиссасида қўқинаётган 1-қурилиш-конвейер бошқармаси бунёдкорлари зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда яшовчиларға лойиҳа асосидаги ишларни барча қулайликларни ҳисобға олган ҳолда бажаришмоқда. Бошқарма қурувчилари замонавий уйлар қурилишида ўзига хос тажрибаға эға бўлиб, уларни сифатли, талаблар даражасида бунёд этишда маҳоратларини сарфлашмоқда. Айниқса, Николай Плохих, Содик Содиков, Исомиддин Тожматов, Камол Усмонов ва бошқа қўли гул қурувчилар уйларни фойдаланишга тахт қилишда алоҳида ғайрат кўрсатишди.

— Ҳар бир хонадон сохибининг ўз яшаш тарзи, диди бор, — дейди ишбоши Мирвосиқ Соатов. — Шу боис ҳам уларнинг талабларидан келиб чиқиб хонадонларини пардозлари учун имконият яратилди. Бу, яхши албатта. Бунда ҳам қурилиш материаллари беҳуда сарflanмайди, қурувчиларнинг вақти тежаллади. Хонадон сохиблари имкониятларига қўра маблағ сарфлаб, ўзалари



Дилноза ФИЁСОВА СУРАТЛАРДА: ёш ва моҳир бўёқчи Абдуҳамид Акбаралиевнинг пардозлаш ишларида ҳиссаси қатта; фойдаланишга топширилган уйда охириги юмушлар адо этиляпти; сувоқчи-бўёқчилар Дилшод Содиков ва Дилшод Акбаралиевлар сифатға алоҳида эътибор қаратишади.

носиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг меҳнатлари эвазига тикланаётган сўнги уй ҳам йил охиригача фойдаланишга топширилади. Сўнгра бу уйларда яшовчиларға қулайлик яратиш мақсадида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Энг муҳими эса 200 дан ортиқ ҳамшахарларимиз янги уй қувончларини биргаликда нишонлашади.

Ушбу қўқина уйларни бунёд этишда 100 нафардан зиёд бунёдкор иштирок этаётган бўлса, улар орасида «Махсусуйжой» масъулияти чекланган жамиятининг электрчилари 1-механизация бошқармасининг сантехниклари, «Кўприкқурилиш» трестининг пардозловчилари ҳам му-

энди қадам қўйётган ёш қалам сохиблари — Т. Островроҳовнинг «Атиргуллар», Д. Ивашкиннинг «Қуриган гуллар» ва бошқа таъбирий санъат намуналари томошбонлар эътиборига ҳавола этилган.

Қўргазма залида таралаётган сокин музика навалари кишини гуллар дунёсига етказиб қўлади. Бундан ташқари, меҳмонларға ўзларига мансуур бўлган санъат асарини сотиб олиш имконияти яратилган.

Қўргазма 30 июлгача давом этади.

Наргиза ОТАХОНОВА

### Кўсқал сапаларда

жаҳон тарихида номли янги китоб чоп этилганлиги маълум қилинди.

- **ЎЗБЕК** журналистикаси фаолияти билан яқиндан танишиш ва журналистикамиз тарихини ўрганиш мақсадида Франциянинг Страсбург университети журналистика факультети ўқитувчилари ва талабалари пойтахтимизға ташриф буюришди.
- **МАРКАЗИЙ** зобитлар уйда шахримиздаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири уюштирилди. Мутасаддилар томонидан соғалар инъом этилган ушбу тадбирда шаҳримиздаги «Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятлари — КРИДИ» аъзолари ҳам иштирок этишди.
- **МАМЛАКАТИМИЗ** мактабларидаги инглиз тили ўқитувчилари ўртасида инглиз тилини пухта ўрганишга бағишлаб ўтказилган қўриқ-танлов АКШнинг таълим ва тил ўрганиш жамияти ташаббускорлигида уюштирилди.

- **АЛИШЕР** Навоий номи Давлат адабиёт музейида филология фанлари доктори Махбуба Қодирова томонидан нашла таъйёрланган мумтоз шоира Нодирабегимнинг «Қомила» таҳаллусида ёзган шевлар девонининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕК** Давлат консерваториясида Азиз Шохимов томонидан намойиш этилган концерт томошаси «Классик санъат дурдоналари» деб номланди.

- **РЕСПУБЛИКА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг навбатдаги йиғилишида мазкур ҳаракатнинг ўқув муассасалари ҳамда қорхона-ташкилотларда тузилбй фаолият бошлаган бошланғич ташилотларнинг вазифалари ва келгуси режалари таҳлил этилди.
- **АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида ўқитувчилар иштирокида «Фан ва техника таракқиётида ёшлар» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.
- **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида бўлиб ўтган тадбирда мазкур музей қошидаги илмий марказ ходимлари томонидан «Амир Темур

### ҲАМКОРЛИК

## Пайвандлаш қурилмаси совға қилинди

Япониядаги қатор фирма ва компаниялар республикаимизда малакали мутахассислар таъйирлаш ишига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Шу ўринда «Фуджи Кура» япон фирмаси саъй-ҳаракатларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бунинг ахборот технологиялари университети билан ҳамкорлик исботлаб турибди.

Мазкур фирма телекоммуникация тармоқлари ривожини билан боғлиқ қатор тадбирларни амалга оширди. Оптик-толали кабелларни пайвандлаш қурилмаси ҳам олий ўқув юртига ёрдам сифатида берилди.

«FSM-30S» русумли бу аппаратдан талаба ёшларни амалий ўқув ишлари билан шўғуллинишида фойдаланилади.

«DTS-1100R» русумли коммунтация станция ҳам ўрнатилган бўлди. Шу мақсадда япониялик мутахассислар билан ҳужжатни расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Қурилган бундай техник тадбирлар янги ўқув йилида уюштирилаётган амалий машғулотлар сифатини оширишда муҳим омил бўлади.

Аҳмад ВАЛИЕВ

### КўРГАЗМАЛАР

## Уйингизнинг кўрки гуллар

Замонавий Санъат марказида Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий кўргазмалар дирекцияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган Кўргазма шундай деб номланди.

Ушбу кўргазманинг ягона мавзуси турли кўринишларда намойн бўлган ранг-баранг гуллардир.

Кўргазмада 200 дан ортиқ асар намуналари намойиш этилаётган бўлиб, улар орасида ранг-таъсир, халқ амалий санъати асарлари, бадий фотосуратлар ҳамда жонли гуллардан ясалган ихсаналар ўрин олган. Баъзи асарларда узвийлик ва кишининг илк

таассуротлари ифодаланган бўлса, бошқаларида аниқлик ва теранлик акс этган.

Ҳар бир асарда ўзига хос — ё қувнок, ёки хавотирли, ёҳуд кўтаринки кайфият ҳукмрон. Асарларни кўздан кечира қансиз, муаллифининг кенг дунёкараши, маҳорати ҳамда юксак истеъдоди яққол сезилиб туради.

Ўзбекистон халқ рассомлари Р. Аҳмедов қалами ва мансув «Хризантемалар», академик Ж. Умарбековнинг «Қумғон ила натурмор», Ю. Елизаровнинг «Гулсафсар», Р. Гаглоевнинг «Тоғ гуллари» каби асарлари билан бир қаторда, кўргазмада санъатга

### ҚОНУНЛАРИМИЗНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК НАМОЙИШИ

Кечта пойтахтимиздаги Тошкент шаҳар суди биносида судья В. Шарипов раислигида очик суд жараёни бўлиб ўтди. Химоячи, прокурор, халқ маслаҳатчилари, жамоатчилик, хориж ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган ушбу суд жараёнида Тошкент вилояти, Сангиота тумани, Назарбөк қўрғонда яшовчи, 1963 йилда туғилган Мушарраф Саидкаримовна Усмоноваға нисбатан юритилган жинойи иш қўриб чиқилди.

М. Усмонова «Хизбут-таҳрир» диний-экстремистик оқими аёллар қанотининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича етакчиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига таъжовуз қилганлигида айбланган.

Суд жараёнида М. Усмонованинг айби

тергов ва суд даврида тўпланган далил ва далилий ашёлар билан ўз тасдиқини топди. Суд уни барча жинойи қилмишлари учун беш йил муддатға озодликдан маҳрум этишға ва жазо муддатини кучайтирилган режимидаги муассасаларда ўташға ҳукм қилди.

Аммо М. Усмонованин ҳомиладорлиги, қарамоғида олти нафар фарзанди борлигини ҳисобға олиб, шунингдек, инсонпарварлик принципларига риоя қилган ҳолда ва раҳм-шафқат кўрсатиб, жинойи жазони либераллаштириш тўғрисидаги қонунчиликка қўра, унинг жазосини енгиллаштириб, шартли равишда икки йилға озодликдан маҳрум этишға ҳукм қилди ҳамда судланувчинини суд залидан озодликка чиқарди.

ҲАМКОРЛИК

Пайвандлаш қурилмаси совға қилинди

ҲАМКОРЛИК

Пайвандлаш қурилмаси совға қилинди

ҲАМКОРЛИК

Пайвандлаш қурилмаси совға қилинди

ҲАМКОРЛИК

Пайвандлаш қурилмаси совға қилинди

ҲАМКОРЛИК

Пайвандлаш қурилмаси совға қилинди

### СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## Кучлилар сараланди

Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида маҳалла болалари жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажги» турнирининг туманлар гулдилари аниқланмоқда.

Яққасарой туманидаги 12-14 ва 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган «Футболимиз келажги» турнирининг туман гулдилари маълум бўлди. Гулдилар сазовор бўлган Акмал Икромов ҳамда «Миробод» маҳаллалари жамоаларига мутасаддиларнинг совғалари топширилди. Энди бу жамоалар ушбу турнирнинг Тошкент шаҳар бўйича ўтадиган мусобақаларда ўз омадларини синая кўришади.

## Беллашув қизгин давом этмоқда

Тошкент шаҳридаги Республика шахмат-шашка клубида 60 нафар шахматчилар иштирок этаётган Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тури низоҳисига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги иқтидорли шахмат усталари иштирокигади ушбу беллашувларда ҳозирча Владимир Коваленко, Сергей Федашин ва Шавақт Қодировлар бошқалардан қўра кўп очко жамғариб чемпионликка асосий даъвогарлик қилишмоқда.

Ақбар йўлдошев

Хулқар МАМИТОВА

# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савадо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари билан боғлиқ департаменти ва «Тошхана» маҳаллийлик маъмуриятининг сарфаси

Чигатой дарвозаси ва Сағбон кўчаси томон кетган катта йўлдан «Эски Жува» бозори томон бурилсангиз дарвозадан киришингиз билан кўзингиз бири-бирдан чиройли қатор дўконларга тушади. Уларнинг пештоқдаги дирик ҳарфлар билан битилган «Ассалому алайкум. Хуш келибсиз», деган сўзларни ўқий туриб беихтиёр дўконга кириш истаси туғлади сизда. Бу ерда сизни бир хил либос ва бошига бир хил дўппи кийиб олган хушмуомала аёллар кутиб олинади.

— Ассалому алайкум, келинг хизмат. Истагингизни бажо келтиришга тайёرمىз.

Шундай ширинсуханликдан сўнг дўкондан қуруқ чикингиз келмайди, бирор нарса харид қилиш истаси туғлади. Сотувчилар чаконлик билан хизматингизни адо этиниши. Харидингизни чиройли халталарга солиб, «Марҳамат, кириб туринг», дея сизни табассум ила кузатишади. Уларнинг сиреклигини кўра туриб беихтиёр «Ота-онангга, таълим берган устозингга раҳмат», деган сўзларни айтасиз, кейин қизиксиниб сўрай бошласиз.

— Бу кимнинг дўкони, болам.  
— Салоҳиддин отанинг дўкони, — дейишади улар.  
Дилингизга ақин, сизга қандайдир танишдек кўринган бу номни эшитиб мамнуният билан жилмайиб қўясиз. Чунки сўнгги савдода қотган, бутун умрини халққа хизмат қилишдек олий ҳимматга бағишлаган бу инсоннинг номи нафақат эски шаҳар атрофи, балки кўлаб ҳамшахарларимизга жуда-жуда таниш десам янглиш бўлмайдими.

## СОТУВЧИ ШИРИНСУХАН БЎЛСИН

Келинг, шу ўринда бир зум бўлсада мозийга сафар қилайлик. Агар эсингизда бўлса бир вақтлар «Эски Жува»-да номдор «Марҳамат» дўкони бўларди. Бу савдо нуқтаси шаҳардаги энг намунали дўконлардан бири саналарди. Сабаби бу ердан киши хоҳлаган нарсасини харид қилиб сотувчилар хизматидан хушнуд бўлиб чиқарди. Бозорни қайта қуриш туфайли бу дўконни ҳам янгилаш истаси туғилди. Кўпчилик хариддорларнинг дилида «Марҳамат» дўкони энди қаерда қад кўтараркан, деган бир гап пайдо бўлганди ўшанда. Салоҳиддин ота бор куч ва имкониятини ишга солиди. Кекса савдо ходими, бу тадбиркор инсоннинг елиб-югуриши беиз кетмади. Унинг жамоасига эски дўкон ақиндан жой ажратилди. Жамоа ҳамжиҳатлик билан ишга киришди. Уларга қурувчилар ёрдамга келди. Аҳиллик ва ушюқлик билан бир ёқадан бош чиқариб қилинган хизмат ўз самарасини берди. Тез кунда бу ердан бир катор савдо нукталари ўрин олдики, бугун улар хариддорларга кенг эшиklarини очган. Бугун «Салоҳиддин» масъулияти «чекланган жамиятга қарашли бу дўконларга кирган киши кўнглидан: «Кани энди шахримиздаги ҳамма дўконлар ҳам шунга ўхшаса, сотувчилар ҳам шундай хушмуомала бўлса,» деган сўзларни ўтказаси. Гарчи бошқалар наздида бироқ ошириб юборилган кўрсаткичларда биз бу гапларни беиз айтилмаймиз. Шу кун би билан сўхбатда бўлган хариддорлар тилидан ҳам шундай дил сўзларини эшитдик.

— Мен хизмат юзасидан чет элларда кўп бўлам. Тараққий этган мамлакатларда худди шундай усулда хизмат қилишади. Бирон бир дўконга кирсангиз сизни сотувчилар илтифот билан кутиб олиб табассум ила кузатишади. Айнан Салоҳиддин отанинг дўконларига кирсан шундай маданий хизматни кўраман, — дейди бизга тарих фанлари номзоди Ибодулла Набиев.

Меҳнат кексаси Марҳамат она Воҳидова ўз-ўзидан сўхбатимизга қўшилди.

— Мен фахрийси йўқ, ёрдамга муҳтож кекса онам. Саховатли инсон Салоҳиддин Нажмидинова раҳмат. У бизга ўхшаган бир қанча йилгиз кексаларга беминнат хизмат кўрсатади. Ҳар ҳафтада бир марта бор-йўгимиздан хабардор бўлиб етишмовчиликларимизни дўкон хизматчилари орқали ўйимизга элтиб беради.

— Салоҳиддин отанинг дўконлари ҳақида сўз кетганда яна бир

нарсани айтиб ўтиш керак. Бу ердан истаган турдаги маҳсулот ва буюмингизни топасиз. Кийим-кечак, озиқ-овқат, қандолат, рўзгор буюмлари, қўйингчи минг бир турдаги нарсани харид қилишингиз мумкин, — дейди яна бир харидор Ҳикоят Рашидова.

Бошқа мижозлардан ҳам шу хилдаги сўзларни эшитдик. Кекса савдо ходими Алишер Қосимов раҳбарлик қилаётган шохобча харидорлар билан ўта гавжум. Пештахталарга батартиб териб қўйилган маҳсулотлар кўзни қамаштиради. Ҳар бир бўлим тепасига алоҳида-алоҳида «Қандолат маҳсулотлари», «Бақоллик маҳсулотлари», «Шарбат ва яна ичимликлар», «Тижорат моллари» каби ўзувлар осиб қўйилган. Бу ҳам харидорлар учун қулайлик. Улар керакли нарсаларини дўкон бўйлаб кидириб юришмайди.

Дўкон батартиб, ораста, ўртага бир неча стол-стуллар қўйилган. Бир четда қаравот. Унинг атрофига кўрпачалар ёзилган. Уртадаги хонтахта устида савовар ва чойнак, пиёдалар. Булар бир хил жойлардагидек хўжа кўрсинга эмас, балки харидорларга уларнинг чинакам нафас ростиладан олишлари учун яратилган қулайликлар.

Каравотда икки қария чой ичиб, ширин сўхбат қуриб ўтиришди.

— Салоҳиддинга раҳмат. Бу олий ҳиммат инсон биз кексаларни ҳеч қачон унутмайди. Мана шунақа ора-чора дўконга тушганимизда бир зум шу ерга қўноқ бўлиб юрган-шарнақамиз. Баъзан сўхбатимизга унинг ўзи ҳам қўшилади.

— Шу корхонада ишлаётганимга ўттиз йилдан ошди. Ҳали мактабда ўқиб юрган «Челаримда Салоҳиддин ака қўлида тарбия кўрганман. Ўзгариш кулари буш вақтларимизда дўконга тушиб у-бу ишларга қарашли юрардим. Шунда ачка кўзим пишиб, савдо ишларидан хабардор бўлиб қолган эканман. Ўрта мактабни тугаллаб шу корхонада сотувчи бўлиб ишга қолдим.

— дейди бизга Алишер Қосимов, — Ҳозир ҳам бизда шу аёнча давом этиб келади. Ўзгариш таъбирида соҳамизга қизиқувчи ёшларни корхонамизга тақлиф этиб, уларга иш ўргатамиз. Бу ёшлар учун ҳар томонлама фойдали. Биринчидан, буюш вақтларини бекор ўтказишмайди. Иккинчидан, меҳнатдан чиникиб савдо-сотиқ ишларини ўргатишади.

Ушбу корхонада юзга яқин одамлар хизмат қилишади. Уларнинг ҳаммаси ахлоқ-одобли, хушмуомала, харидор қўнглига йўл топиб хизмат қилишади. Бу фидойиларнинг барчасини номма ном келтиришимиз илоҳи йўқ албатта. Шу сабабли уларнинг баъзиларини хусусан мурабийлар — Эркин Тошмухамедов, Абдуғани Фуломов, сотувчилар Алишер Абдуллаев, Дилшод Невзав, Шарофиддин Нажиmiddинов, Абдували Иноғомов, Абдували Муталов қабиларнинг номларини қайд этиб ўтишни жоиз деб билдик. Бу меҳнат илғорларининг барчаси устозлари Салоҳиддин Нажмидиновдан миннатдордирлар.

Корхона хизматчиларига керакли бўлган шартнолар яратиб берилган. Шинам дам олиш хоналари, ювиниш ва душхона улар ичтиради. Корхона ўз ошхонасига эга. Хизматчиларга тушлик бепул берилди. Сотувчилардан устозларнинг талаби эса битта халоллик ва хушмуомаллик. Қаердаки сотувчилар шундай ширинсухан бўлса, ҳам ота-онасига, ҳам таълим берган устозига раҳмат келтиришини улар яқши билишади.

Мақсуд ОРИПОВ

анча озода ва тартибли, рассталар турли хил маҳсулотлар териб қўйилган. Уларнинг баҳолари ҳам инсоф билан белгиланган. Ҳар бир бўлим учун алоҳида-алоҳида маъмул кишилари белгиланган. Улар ўзларига қарашли майдоннинг саришга ва тартибли бўлишига жавоб беришади. Фаррошлар ва назоратчилар кун бўйи озодаликини

даги шу муаммо ҳам ижобий ҳал этилиб, бозорнинг олди томони очиб берилса нур устига нур бўларди.

Харидорлардан ҳам шундай эътирозни эшитдик.

— Узим шу яқин орада турганим учун кунора харид қилгани шу ёрга келаман. Шароитдан нолимайман. Бунинг устига бозоримизда маҳсулотлар шахримизнинг бошқа бозорларига нисбатан анча арзон, десам хато бўлмайди. Бу албатта агар рўфдаги ширкат ҳўжаликлари бозорга ақинлигидан бўлса керак. Лекин бозорнинг олди дўконлар билан тўсиб қўйилганлиги ҳар қандай кишини гашини келтиради. Бу айниқса киши кунлари тур йўлчалардан бозорга кириб-чиқадиганлар учун бирмунча ноқулайлик туғдиради.

Кийим-кечаклар растаси ҳам сотувчи ва харидорлар билан гавжум.

— Хар қалай расталарда етарлиқа маҳсулотлар бор. Бу эса кийим-кечак қидириб, ўзимиздан олисроқ бўлган «Отнолар» бозорига боришдан холи этипти бизни, — дейди харидор Нодир Олимов.

Бугунги кунда харидорлар ва сотувчиларнинг эътирозлари инobatга оlinиб ушбу бозорни кенгайтириш чоралари изланмоқда. Хокимият ва муассис ташкилотлар бозорнинг олдини очиб ҳисобига бу ердати расталар сонини яна бирмунча оширишни режалаб туришдики. Агар бу иш тезроқ амалга осса, ўйлашимиз, бозор янада замонавийлашиб, кўркاملашади. Энг мумини, у яққол кўзга ташланиб, харидор ва сотувчиларнинг ўзига чорлаб туради.

Бугунги кунда «Бешёғоч» марказий бозори қошида 4 та шохобча фаолият кўрсатмоқда. Улар 250 ўринга эга бўлган «Қозиробод», 120 ўринли «Қатортол», 80 ўринли «Ал-Хоразми» ва «Бешёғоч»даги эски бозор шохобчаларидир. Бу савдо нукталарига бозорчиликда сунги қотган ишбилармон, тадбиркорлар — Обид Одил, Анвар Нурматов, Убайдулла Нурматов ва Шўхрат Ёқубовлар раҳбарлик қилишяпти.

(Ўз мухбиримиз)



Тоҳир Нигматуллин олган сурат.  
СУРАТА: пойтахтимизда фаолият кўрсатётган «ПРЕСС-С-9» масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган электромоторларни таъмирлаш цехи устаси Санжар Сайдуллоев сифатга алоҳида эътибор қаратади.

### САНОАТ

## Маҳсулот турлари кўпаяди

«Ўзқурилишматериал» ҳиссадорлик компанияси республикамизда янги сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўймоқда. Бунда компаниянинг чет эл корхоналари билан ҳамкорлиги ҳам кўп келмакдир.

Бундай алоқа туфайли Германиядан қатор мураккаб техника жиҳозлар ҳам келинди. Улар «Охангаронлипласт» ҳиссадорлик жамияти цех ва участкаларига ўрнатилди. «ПВХ» русумли янги сифатли плёнкалар тайёрлашда улардан унумли фойдаланилмоқда.

Компания Германиядаги «Эрмафа» фирмаси билан ҳам шартнома тuzмоқда. Бу эса янги қўшма корхона очишга замин

(Ўз мухбиримиз)

### Муҳим ҳисса

Корхоналар фаолиятини ўрганишда бухгалтерия ҳисоботи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳисобот мольвий таъмир-яъмирнинг умумлаштириш натижасида тuzулиб, ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ана шу муҳим мольвий ҳарабини тадқиқ этишга Тошкент мольвий институтини ёш эдиллари ҳам жалб этилди. Олий ўқув юртининг ихтидорли талабалари илганишлари ҳам қутилган натижани бермоқда.

Ҳисоб-иштирод факультети талабаси Бехзод Тиллаев эса «Корхонанинг ҳисоб сибаси ва мольвий ҳисобот тuzиш тамойиллари» деган мавзуда тадқиқот олиб бориб, «Бухгалтерия балансини текари қонцепцияда тuzишни тақлиф этди.

Еш тадқиқотчининг бу илганиши раҳбариятга корхона барқарорлигини, мольвий аҳолисини ўрганишга ариқлик яратди. Бу эса бошқарув ва мольвий ҳисоб ва таҳлил ишларини осонлаштиради. Бу илганиш ҳисоб қонунчилигига қўшилган ҳисса деб баҳрланди.

(Ўз мухбиримиз)

### Кооперация асосида

«Ремэлтранс» корхонаси Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари давлат устмасида етакчи ўрин тутди. Электр транспорт воситаларини таъмирлаш ва улар умрини узайтириш билан яқиндан шугулланиб келатган бу корхонада зэрур эҳтиёж қисмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Трамвай ва троллейбусларни бу каби техника куруллар билан таъмирлаш борасида ҳам тадбиркорлик билан иш

(Ўз мухбиримиз)

## Уйлар пардозланмоқда

Бугун пойтахтимизга файз қўшаётган кўп қаватли уйларимизнинг нафақат ички қулайликлари, балки ташқи гўзалликлари ҳам ўзгача. Бу, албатта, захматқаш, янгиликка интилувчан қурувчиларимизнинг меҳнатлари самарасидир.

Айниқса, «Тошпирогор» мутахассислари яратётган лойиҳалар асосида қурувчиларнинг гайрат ва маҳоратлари боис қад ростлаётган уйларни кўндал кўндал диллар ярайши, шубҳасиз. Ана шундай уйлар сирасига кирувчи 7 қаватли учта уй мажмуаси шахримизнинг Нукус-Моштабик кўчаларида бунёд этилган. Ушбу 1, 2, 3-уйларда қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Айниқса, гайратли тикловчилар, моҳир гишт терувчиларнинг меҳнат маҳорати бугун яққол кўзга ташланади. Ҳар бири 10 тадан хонадон аўзоларига мўлжалланган бу турар жой бинолари қиска муддатда қад ростламоқда. Бунинг асосий сабаби бош пудратчи «KARDO» қурилиш фирмаси бунёдкорларнинг қизғин меҳнати, бой тажрибаларини ишга солиб

фаолият юр таётганидир. Буюртмачиси «Габус» қурилиш-инвестиция фирмаси бўлган уйларни қуришда сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланилаётганлиги, уларнинг қўллари «KARDO» қурилиш фирмаси цехларида тайёрланаётганлиги бинолар қад ростлашини жадаллаштирамоқда.

— Учта уйни Мустақиллигимизнинг 11 йилгига байрами кунларида фойдаланишга топширишни режалаганмиз, — дейди участка бошлғи Александр Курнос. — Ҳозирда кетма-кет амалга оширилаётган қурилиш-тиклаш ва пардозлаш юмушларида 100 нафардан зиёд қурувчи иштирок этмоқда. Уйларимизнинг 1-қаватида савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, офислар фаолият кўрсатади. Бу, албатта, шу ерда яшовчилар учун ўзига хос қулайликлардан ҳисобланади.

Яна шу ҳам ҳисобга олинганки, хонадонлар ичкариси яшовчиларнинг фикрларини инobatга олган ҳолда, уларнинг дид ва тақлифларидан келиб чиқиб жиҳозланади.

Гулноза КОСИМЖОНОВА

Дўмбирободликларнинг ўзига хос аҳиллиги тўй-ҳашамлар ва турли маросимларни тартибли ўтказишда, бу маҳаллага азалий одат бўлган халқ хашарада яққол намойён бўлади. «Маҳаллада хашар» дейилса етти ёшдан етмиш ёшгача чиқади.

Дунёда мавжуд бўлган ҳамма нарса, жой ҳам ўз номига эга. Бу номлар бирор сабаб билан боғлиқ. Бу маҳалланинг номи ҳам бошқаларга нисбатан қизиқ ном бўлиб, ўз тарихига эга. Қадимдан бу жойларда Қонқус анҳори, Ширин ва Дархон ариклари оқади. Тошкентнинг «Бешёғоч», «Гулстон», «Чакар» маҳаллалари аҳолиси мана шу жойларга келиб, уларига дала ҳовли барпо этишган. Ушбу пайтда бу ерга келиб дала ҳовли қилган чакарлик Аҳъё баққолининг ўғли Каримжон отанинг айтишича, Тўлқабартоқдан (ҳозирги 16-поликлиника жойлашган ер) кунботар томонга қаралса Дархон ариқ бўйидаги (беш олти километр масофадаги) икки тул сада кўрнаркан. Бу жойлар очик майдон бўлган экан. Мирсалим исми касиб, биринчилардан бўлиб, шу жойга келиб, даракт экиб, чойхона очиб, обод қилишни бошлаган. У киши қувноқ ва қорни дўмбиррадек катта бўлгани учун унинг лақаби Дўмбира бўлиб, бу ерда барпо этилган қишлоқки халқ Дўмбиробод деб атаган.

Аваз ота, Ғани Эшон, Розик ота, Отаповлов, Ойхўжа повлов ва бошқалар Дўмбиробод қишлоғида дастлабки қишлоқ қолувчилардан бўлган. Бу ерда ёзини қишин турувчилардан илмли кишиллар Илс домла ва Абдурахим қори қишлоқ болаларини ўқитишган. Бизнинг оиламиз ҳам эрта бахорда Дўмбирободга молларимизни етаклаб кўчиб чиқиб, кеч кузда шаҳар ҳовлимизга кўчиб кетардик. 1940

### ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

## «Дўмбиробод»

Дўмбиробод маҳалласи Тошкентнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, республикаимиз пойтахтидаги энг катта маҳаллалардан бири ҳисобланади.

Тошкент канали қурилишида фаол қатнашди.

1957 йилга келиб, Тошкент шаҳри жанубий-ғарбий томонга кенгайтиришда Дўмбиробод қишлоғи Тошкент шаҳар Яқкасарой (собиқ Фрунзе) тумани ҳудудиди маҳаллага айланган. Чиганзор тумани ташкил этилгач Дўмбиробод маҳалласи Чилонзор тумани ҳудудига ўтди.

Ҳозир «Дўмбиробод» маҳалласи шимол томонидан Фарход кўчаси, шаркидан Жанубдан Гафур кўчаси, шимол-ғарбдан Нақшолик кўчаси билан чегараланади. Маҳаллада ҳаммаси бўлиб (тор кўча ва берк кўчалари билан бирга) 42 та кўча бор. 1957 йилгача «Дўмбиробод» маҳалласи ҳудудида 360 та хонадон бўлган, ҳозир 2163 та шахсий тартибда қурилган уй-жой (ҳовли) ва 61 та давлат томонидан қурилган бир қаватли, икки

қаватли ва тўрт қаватли уй-жойлар мавжуд. Уларда 18 минга яқин аҳоли яшайди. Бу маҳаллада битта санoат корхонаси — нон заводи ишлаб турибди. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, мана шу маҳаллада таълим устaxonаси, спорт зали, кино кўрсатиш комплекси, бичиш-тиқиш тўғраги хоналари, ошхона ва буюфети бўлган ўрта таълим мактаби қурилган. Бу мактабга 30 йилдан ортиқ директор бўлган Одил Қаюмов номи берилган. Бундан ташқари 2 та ўрта таълим мактаби, 1 та интернат-мактаб, 1 та ҳунар-техника билим юрти, 4 та болалар богчаси ишлаб турибди. 3 та озиқ-овқат дўкони, 1 та маиший хизмат комплекси, 1 тадан катталар ва болалар поликлиникалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Бу маҳалла аҳолиси аслида дехқонлар авлоди бўлиб, улардан хунармандлар ҳам чиққан. Иморат қурувчи усталардан Мухсим ота, Тошмухаммад ота, Наим уста, мой жувоз устаси Мансурхон ака, Раҳимбой қотиб, Раҳимбой ошпаз шундай инсофли бўлишганки, кимнинг уйда ўз касби бўйича иш бажарса, олдиндан «мунача берасан» деб айтмаган.

Кейинги вақтда бу маҳалладан моҳир педагоглар, шифокорлар, шоир, ёзувчи, журналистлар, мухандислар, техника, тиббиёт, тарих, адабиёт бўйича фан докторлари ва фан номзодлари етмишб чиқди. Улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатилмоқда.

Йўлдош МАНСУРОВ, журналист.

### Оқшомхон Сурайё Ҳикматавадан таҳририятимизга келган мактуб бизни ҳам уйлантириб қўйди.

«Бир вақтлар «Бешёғоч» бозори шахримиздаги энг шинам, харидорлар учун энг қулай, озода ва ябратили бозорлардан эди. Бозор янча бўлса-да, лекин ўта гавжумлиги билан ажралиб турарди. Яқинда шу бозорда бўлганимизда гарчи унинг худуди озода, ўзига хос тартибли бўлса-да, бироқ кўзимга одингиз файзини айқонгандек кўранди. Сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам анча сайрак. Расталардаги маҳсулотлар турлари кам, Бунинг боиси нима? Негиз шундай сиркат-нош бозор тушқун аҳволга тушиб қолди? Итимос, шу ҳақда тушуштириш берсангиз».

### МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

## Расталар сони янада ортади



Тукин-сочин бозорларимиз расталари бугун ёз неъматларига янада тула. Бир-биридан чиройли ранг-баранг узумлар, анжир ва анорлар, бўйиқ олмаю ноқлар ял-ял товланади. Қовун ва тарвуз расталари эса тобора гавжумлашиб борапти. Бу ердан ширин-шакер қовун ва тарвузларни харид қилаётган ҳамшахарларимизнинг кайфияти баянд. Кечки дастурхон устида бир пиёла чойдан сўнг муздеккина қовун ёки тарвуз тановул қилганга нима етсин.

қад кўтарадиган бўлди. Қурилиш ишлари жадал сурьятларда бошлаб юборилди. Кўп ўтмай 758 ўринли замонавий бозор қад кўтарди. Бугун бу марказий бозоримизга келган киши хожатини чикариб, истаган нарсасини топиши мумкин. Бу ерда сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, то кийим-кечак буюмларигача сотилади.

Абдулла Шодмоновнинг тақлифи ҳамда ёзиётга аниқ баҳо бериш мақсадида ушбу бозорда бўлдик. Нарх-наво билан танишиб, сотувчи ва харидорлар билан сўхбатлашдик.

Бозор чиндан ҳам гавжум, сақлашади. Шохобча бошлиқ Адхам Жалилов уларга бош-қош.

«Қалай, шароит етарлими? Қийинчилик ва муаммолар йўқми?» деган саволларимизга сотувчилар шароитдан мамнун эканликларини баён этишди.

— Муаммо масаласида эса бир эътирозимиз бор, — дейишиди. — Шундай катта бозорнинг олди турли хил савдо дўконлари билан тўсиб қўйилган. Бу эса бозорга маҳаллада олиб келган маҳсулотларимизни тушириш учун ноқулайлик туғдиримоқда, аравачалар бемалол ҳаракат қилолмайди. Кўпчилик дили-

кад кўтарадиган бўлди. Қурилиш ишлари жадал сурьятларда бошлаб юборилди. Кўп ўтмай 758 ўринли замонавий бозор қад кўтарди. Бугун бу марказий бозоримизга келган киши хожатини чикариб, истаган нарсасини топиши мумкин. Бу ерда сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, то кийим-кечак буюмларигача сотилади.

Абдулла Шодмоновнинг тақлифи ҳамда ёзиётга аниқ баҳо бериш мақсадида ушбу бозорда бўлдик. Нарх-наво билан танишиб, сотувчи ва харидорлар билан сўхбатлашдик.

Бозор чиндан ҳам гавжум,

(Ўз мухбиримиз)

### ҚУРИЛИШ

## ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Пойтахтимиздаги «Фарход дехқон бозори» акционерлик жамиятига қарашли савдо майдони яна 1,4 гектарга кенгайиб, жами 4,4 гектарга етказилган бўлди.

Ҳозирги кунда мажмуанинг иккинчи навбати жадаллик билан барпо этилмоқда. Қурилиш-бунёдкорлик ишларини шаҳардаги 159-трест жамоаси амалга оширмоқда.

Бозор ҳудудига қарашли бўш майдонда мутасаддиларнинг амалий ёрдами билан 3 та павильон, 2854 та савдо ўрни барпо этишга киришилди. Икки мажмуада асосан қишлоқ ҳўжалиги ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилинади. Қурилиш ишлари

учун 1 миллиард 7,5 миллион сўм маблаг ажратилган. Ҳозиргача шунинг 700 миллион сўми ўзлаштирилди.

Дарҳақиқат, иншоотда эртаю кеч иш қизгин. Қурувчиларнинг қўли қўллага тегмайди. Икки қаватли замонавий мажмуада сўтучи ва харидорлар учун барча қулайликларни яратиш қўзда тутил

моқда. Бу ерда маъмурият, солиқ, ички ишлар хизмати ҳодимлари учун алоҳида бинолар қурилади, автомобиль лўхташ жойи барпо этилади.

Янги иншоотни истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Т. НОСИРОВ





**БОЛАЛАР АДАБИЁТИ БУРЧАГИ**

**Феруза нон ёнди**

Феруза каттагина кўғир-чогини офтоб тиги тушиб турган деворга суяб кўйди. Атрофини супуриб, тозалади. Олдига «дастурхон» — газета ёзди. Унга озгина канд-курслардан ташқари кичкина шашада гул кўйини ҳам унутмади.

— Энди-чи, биласанми? — деди кўғирчоққа. — Нима керак? Нон керак, Нон кўйсак, дастурхонимиз жудаям чиройли бўлиб кетади. Нонни — кичкина-кичина кулчаларни ўзим ясайман.

У жажжигина пақирчасида тупрок сув келтириб, лой қорди. Уни муштлаб-муштлаб йиладди. «Хамири»дан сувала ясади. Сўнг кўғирчоғига:

— Қараб тур, хамир қилишни билволгандирсан. Нон яшашни ҳам ўрганиб ол, — дея таянди.

Кўғирчоғи хўп дегандек шод. Очилаётган гунчадек жил-

майгани-жилмайган. Феруза онажонисига тақлидан жажжи бармоқларини ишга солди. «Нон» ва «кулчалар» ўртасига шакллари ясади. Уларни офтоб — тандирга кўйгач, кўғирчоғига тайинлади: «Мен уйга кириб чиқай, нонларга қараб тур».

Шу пайт кўчада юрган кўзичок келиб кўғирчоқни хидлаб ялади. «Нон»ларни эса тепкилаб босди. Ферузани кўриши билан кўзичоқ диққатини онасининг олдига қочди.

— Вой-вуй, нонлар увол бўлибди-ку... Кўзичок босгунча ка-ра-а-а-аб туравердингми? Ачиниб ўрнига кулиб туришингни кара. Нонни хурмат қилмасанг, энди ёпиб бермайман.

Шунақа. Феруза кичкина бўлса ҳам жуда зукко. Иш ва сўзлари кизик-кизик.

**Чиганоқ**

**Хумор шилликкурти йўқ чиганоқни кўлида ўйнаб, адасига мақтанди:**

— Шунақадан кўпайтирсам, бувимникига ўхшаш маржон

қиламан. Тақиб юраман. Майлими?

— Нимасини тақасан бунди, — рўйхуш бермади адаси.

— Қаранг, оппоқ, Чиройли маржон бўлади. Хўп денг, — ялинди Хумор.

— Кечки томон далага кулпунай теришга борамиз. Унда биласан.

— Дадамга чиганоғим нега ёқмайдики? — деган хаёл Хуморни тинч қўймади. Оқшом у кулпунай тераркан, адасининг дўк аралаш овози кулоққа чалиниб қоларди.

— Кулпунайни нега бесўроқ еясан?

— ...

— Экишда қарашганимидинг?

— ...

— Утоғида белинг оғриганимиди?

— ...

— Ёки чопигида кўлинг қадок бўлувдими?

— ...

— Есув қуйиб, овғиндан зах ўтувдими? Айт-чи инсофи йўқ?

Адаси гўё кимнидир савола тутади. Савол эса жавобсиз.

— Кимни сўроқ қияласиз? — Хумор кулпунай барглари орасига қараб турган адасига яқинлашди.

— Ким бўларди. Шилликкуртга айтаман. Кулпунай ялаётган экан, овозимни эшитиб мана бунинг ичига беркиниб олди, — адаси чиганоқни қизига кўрсатди. — Тунов куни бундан канчасини кўриб эзгилаб ташловдим.

— Вуй... — чиганоқнинг ичидиги куртни кўриб, сесканиб кетди Хумор.

— Қўрдингми, чиганоқ текинхўрга паноҳ экан. Шунинг маржон қилиб тақасанми, кизим!

Хумор адасининг чиганоққа нега рўйхуш бермаганига энди тушунди.

— Ундай бўлса керакмас, ада. Тезроқ отиб юбора қолинг.

Фани АБДУЛЛАЕВ

**Икки янги ихтисослик**

Олий ўқув юртларида янги ўқув йилига қабул қилиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари кизгин давом этмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтига ҳам бу жараён

га пухта тайёргарлик билан киришилди. Олий ўқув юртига бу йил 805 нафар талабани қабул қилиш кўзда тутилди. Уларнинг 40 нафари сиртки бўлима ўқийди.

Ўқишлар ўрта ихтисослик йўналиши бўйича олиб борилади. Шулардан икkitаси эса янги мутахассислик ҳисобланади. Машина ва жижхотлар технологияси, транспорт ин-

шоотлари эксплуатацияси деб номланган бу ихтисосликларни эгаллаш бўйича ҳам кўплаб абитуриентлардан аризалар тушди.

Ақбар АЛИЕВ

Моисей Николаевич Тхай ишдан ҳориб-чарчаб келганида уйда умр йўлдошининг наманганлик жияни Александр Тянга рўбарў келди: — Ие, хуш келибдилар, мяхмон! Қалай, наманганликлар соғ-омонми? Нечук шамол учирди? — Уйланиш арасида турибман. Яқинда бўлажак каллигимнинг ўн ёшли укаси вафот этиб қолди. Тўйдан олдин унинг қабрига ёдгорлик ўрнатмоқчиман. Шу боис Тошкентга қараб йўл олдим-да!

— Э, яшанг, савоб ишга қўл урибсиз, кам бўлмайсиз. Қани, мяхмон, дастурхонга марҳамат!

Хонадон соҳибаси ёзган дастурхон атрофида ҳаммалари жам бўлишди. Мезбон Моисей Александр шарафига яримта «бўйида-роз»нинг оғзини очди. Аёллар ичмади. Эркаклар яхши ниятлар қилиб, қиттай-қиттай олишди.

Эртасига мезбон ишига кетди. Мяхмон унинг оила аъзолари билан уйда қолди. Кечкурунги дастур-

**ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ**

**Қотил мяхмон**

хон ёзилган мезбон ва мяхмон — икки эркак кечагидан қолган «оқ»ни биргалликда баҳам кўришди.

Ярим тунда телефон жиринглади. Хонадон соҳибаси гўшақни кўтарса, Александрнинг онаси экан. У ўғли Тяни сўради. Шунда Тяня қариндошига хотиржам бўлишини, ўғли Александр шу ерда эканлиги, айни пайтда у залда ётиб дам олаётганлигини айтди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, Моисейнинг уйкуси ўчди-кетди. У тонг отгунча илмий иши билан машғул бўлди. Эрталабки соат 07 дан 15 дақиқалар ўтгач тагин ишига қараб кетди. Мяхмон яна уйда қолди.

Соат 11 ларда Моисейга Ирина исмли таниши телефон қилиб, тезда уйига етиб келишини, хонадонда мудҳиш ҳодиса бўлганлигини хабар қилди. У уйга етиб борганида йилгили турган оломонни, суриштирув ишларини олиб бораётган милиция ходимларини кўриб, нақ ўтақаси ёрилаётди. Уй ичига кирганида эса сардоқатли умр йўлдоши Светлана Тяня, қизлари Марина Тхай, Татьяна Тхай ва набираси Валерий Симларнинг қонга беланиб ётган жасадларини кўриб, адоий тамом бўлди.

— Мен ва оила аъзоларимиз қотил Александр Тяни қариндошимиз сифатида доимо хурмат қилиб, эъзозлаб келардик, — дейди суд мажлисида Моисей кўзига ёш олиб. — У уйимизга келганида ҳаммаша кучоқ очиб қутиб олдик. Ҳеч қачон сан-манга бормаган эдик. Бирок у оиламизга хиёнат қилди. Нонкўр барча яхшиликларимизга ёмонлик билан жавоб қайтарди. Менинг умр йўлдошим, барча фарзандларим, ҳатто 1999 йилда туғилган норасида набирамдан ҳам жудо этди. Шўрпешона экман. Сўқча-бош бўлиб қолдим...

қараб икки марта урди. Татьяна жон ҳолатда қаршилиқ қилиб ўзини дераза томонга отиб, бор овози билан бақириб ёрдам сўради. Бирок маст Александр баттар ваҳшийлашди. У Татьянани ўлдириб мақсадига унинг елкаси ва чап кўкрағига яна олти марта пичоқ санчди.

Татьянанинг ёрдам сўраб бақирганини эшитган 1951 йилда туғилган онаси Светлана Тяня ётоқхонадан югуриб чиқиб, кизига қўмакка тутинди. Аммо ваҳший Александр унинг ҳам дуч келган жойига аёвсиз пичоқ санчиб ташлайверди. Натижада Светлана ҳам қўмақ сўраб бор овози билан долдай бошлади. Опаси Татьяна ва онаси Светлана-нинг фарёдини эшитган 13 ёшли Тхай Марина уларга ёрдам бермоққа шошилди. Қараса, опаси ҳам, онаси ҳам қонга беланиб ётибди. Шўрлик қизалоқнинг бу даҳшатли манзарани кўриб эсхонаси чиқиб кетди. Шу лаҳзада қотил кетма-кет урган пичоқларнинг зарбидан унинг ҳам жони узилди.

Бир зумда уч кишининг ёстиғини қуритган жохил қилган бу ваҳшийна жиноятини яшириш мақсадида ётоқхонада ширингина бўлиб ётган икки ёшли норасида Валерий Симни ҳам чавақлаб ташлади. Бола бечора бир зумда қонга беланиб, жон таслим қилди.

— Энди, — деди қотил, бу ердан тезроқ қочиб қолмасам, қўлга тушаман!

Бирок у бу мақсадига етолмади. Татьяна ва Светлана-ларнинг ёрдам сўраб долдаганларини эшитган ҳамсоюлар қотилнинг қочиб кетмаслиги учун хонадондан қочиш йўллари ўраб олишганди. Бунинг кўрган қотил иккинчи қаватдаги хонадондан паस्ता тушишининг иложини топполмагач, тепага қараб юрди. Мақсади уйнинг чердағига чиқиб, ўша

**БУ — ҚИЗИҚ**

**Ажойиботлар оламида**

Олимларнинг илмий хулосалари, текширишлари ҳайвонларнинг туғма ва шартли рефлекс бор эканлигини, бироқ ўйлаш қобилиятининг йўқлигини исботласа ҳам уларнинг яшаш учун табиат билан курашиши кишини ажаблантиради.

АҚШдаги ҳайвонот боғларидан бирида шимпанзегга боғбон кунига 10 та банан берар экан. Бир кун боғбон атайин 8 та банан беради. Шимпанзе уларни еб бўлгач яна банан излай бошлайди. Тагин банан беради. У унга ҳам қаноат этмайди. Сўнгисини бергандан кейин кўнгли ором топиб, ўз жойига бориб ётади.

Бир олим мана шундай тажриба ўтказди. У милтиқ олиб, ёнида тўрт овчини эргаштириб, қаргани имтиҳон қилади. Қарға милтиқ олган овчиларнинг қилишганини кўриб, балан дароҳнинг тепасига учиб бориб, овчиларни кузатади. Тўрт овчи қаргаларнинг кўз ўнгидан ўт-чўлдан ясалган уйга бориб беркиншилади. Бироздан сўнг овчининг биттаси кетади. Бирок қаргалар учиб кетмайди. Бироз вақт ўтгач, овчиларнинг тагин бири кетади. Қаргалар шунда ҳам қўноқларида ўтира беради. Шундан кейин учинчи овчи кетгандан сўнг, қаргалар учиб ерга тушади. Улар овчиларнинг ҳаммаси кетиб қолди деб ҳисоблашган бўлса керак. Балки қаргалар овчиларнинг сонини аниқ кўриша олмаган ёки учгача сон билишлари мумкин.

Африкадаги ҳайвонот боғида ҳайвонларни томоша қилиб юрган бир одам туянинг қўшниси филга қараб бўзлаганини кўради-да бир четда бекиниб қараб туради. Шунда фил туянинг айтганини фаҳмлаб кўлмакка бориб, бурнига-хартумига сувни тўлдириб олади. Кейин бурнининг учини туянинг оғзига солади. Туя филнинг бурнидаги сувни ичиб олгандан сўнггина тинчибди.

АҚШнинг Калифорния штатидаги ҳайвонот боғида кучук бир қаргани ўлимдан асраб қолади. Улар яхши дўстларга айланади. Қуллардан бир кун кучук йўқ бўлиб қолади. Уша қарга оғзига ип тишлаб олиб, қудуқ ёнига бориб юрар экан. Маълум бўлишича, кучук қудуқ ичига тушиб кетган бўлиб, у 6 кун қарганинг олиб келиб берган емиши билан тирик қолгани.

«Док» лақабли ит тезроқ поездининг гилдиракларидан 6 ойлик чақалоқни кутқариб қолади. Моран Стевенс исмли аёл боласини кўтариб, «Док»ни эргаштириб темир йўл ёнидаги боғчага бориб, дам олиб ўтиради. Бироздан кейин кўзи уйкуга кетади. Шу пайт чақалоқ эмаклаб темир йўл изларига бориб қолади. Поезд болага яқинлашиб қолганида «Док» чопиб бориб боланинг қўйлагидан тишлаб, рельсдан чиқариб олади. Поездининг гилдираги «Док»нинг орқа оёғини босиб кетади, бола тирик қолади. Шу пайт келиб қолган боланинг онаси итинчи ҳаракатидан қаттиқ таъсирланиб, «Док»ни ҳайвонлар касалхонасига етказди. Шифокорларнинг ёрдами билан «Док»нинг ҳаёти сақлаб қолинди. Улар итнинг довораклигига ҳайрон қолишди.

Хитойнинг Тай Лпай туманидаги Лян-Жан Шининг уйда бир жуфт қалдирғоч яшарди. Улар бир уя ёш полапон босиб чиқаришди. Шу бир жуфт қалдирғоч навбатма-навбат кўрт-кумурска тутиб келиб, бир уя полапонларини асраш учун тиним топмайди. Туйкук она қалдирғоч эшикка урилиб, ерга тушиб хўшидан кетади. Деразанинг тағида турган мушук шундан фойдаланиб, она қалдирғочни еб қўяди. Бунинг учиб юрган ота қалдирғоч ўз кўзи билан кўради. Бироз вақт ўтгандан сўнг ота қалдирғоч болаларига бошқа қалдирғоч олиб келади. Янги келган она қалдирғоч уяга кириши билан полапонларнинг ерга ташлай бошлайди. Шундай қилиб, қаноти котмаган ва думи ўсмаган ёш полапонлар тагин мушукка ем бўлади. Ота қалдирғоч бунинг яна кўрди. Қўп ўтмай она қалдирғоч тухум қўяди. Ота қалдирғоч бурчинини бажариб, она қалдирғочга овқат ташийди. Она қалдирғоч эса қимирлашмасдан янги тухумдан тухумларини босиб ётади. Ота қалдирғоч тагин лой, чўп, ўтларни тишлаб олиб келиб, уянинг деворини тинмасдан кўтра бошлайди.

У уясини тиклаб юриб, она қалдирғоч билан «шик-шиклашиб» галлашиб, уни юпатган бўларди. Она қалдирғоч эса бемалол уяда тухумини босиб ётаверди. Ота қалдирғоч уяни ярим шарга ўхшатиб уянинг деворига ёпиштириб, кўтарди. У сўнгги марта лой тишлаб олиб келиб, уя битгач, учиб кетди, шу кетганча қайтиб келмади, — дейди Лян Жан Ши. — Нарвон қўйиб чиқиб, уянинг бир чеккасини очиб кўрсам, она қалдирғоч нафаси ичига кетиб ўлган ҳолда 4 тухуми устида ётган экан.

Шунда мен кичкинтой қалдирғоч келиб қулларда ҳам бегонага кун бермаслик, такаббурилик, яхши кўришлик ва ўч олиш ҳиссиёти бўлар экан деган хулоса чиқардим.

Кидирбой Тўлабоев тайёрлади.

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

**«Излар босилмасдан» фош этилди**

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ички ишлар идораларида содир этилган ҳар бир ҳукуқбузарлик ҳолатини «иссиги»да, излар босилмасдан фош этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Сўнгги кунларда автомобиллардан ҳар қил қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Бу эса йўл назорати хизмати ходимларидан янада хушёрроқ ва сергаброқ бўлишни талаб этади.

— Эрталаб соат 5 ларда хизматни олиб бораётган эдик. «Жигули» автомашинисини тўхтатиб текширганимизда, ундаги йўловчилар шубҳали кўринди. Хужжатларини кўрмоқчи бўлганимизда улардан бири қўчоқчи бўлди, автомашинани текширганимизда барча нарса маълум бўлди, — дейди ЙПХ инспектори Шукрулло Каримов. — Ҳолбуки ушбу ўғирликдан жабр кўрганлар бу вақтда талончиларнинг қилмишидан ҳали беҳабар эдилар.

Дастлабки тергов давомида шу кунги икки ака-ука ва

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

ШАЙХОҲТОХУР ТУМАНИДАГИ 17-КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2002-2003 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликларга қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш. («В.С.» тоифали ҳайдовчилик касби билан) Мутахассисликлар: автотранспорт воситаларига техникавий хизмат қўратиш ва таъмирлаш, автотранспортларнинг электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича электрик.
2. Давлат автотранспортининг маъмурий ҳукуқий фаолияти. («В.С.» тоифали ҳайдовчилик касби билан) Мутахассисликлар: йўл ҳаракати бўйича инспектор, кадрлар бўйича инспектор, иш юритувчи.
3. Автомобилларни йиғиш. («В.С.» тоифали ҳайдовчилик касби билан) Мутахассисликлар: автотомобиллар шассисини йиғиш бўйича уста, электр жиҳозларини ўрнатиш ва сошлаш бўйича чилангар.
4. Юк ташини ташкил этиш, автомобиль транспорти ҳаракатини бошқариш. («В.С.» тоифали ҳайдовчилик касби билан) Мутахассисликлар: юк ташини ташкилотчи-техник, диспетчер, йўловчи ва юкларни ташини бўйича назоратчи.
5. Молия. Мутахассисликлар: корхоналар бўйича молия агенти, жисмоний шахслар молия агенти, кишлоқ ҳўжалиги ва ишлаб қилариш бўйича молия агенти.

Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. 9-синфин битирганлиги тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси).
2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома.
3. 086 тиббий маълумотнома.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 3x4 сантиметр ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Манзилими: Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 83-уй. 148, 18, 97-автобусларнинг «Лабзак» бекати. 10, 85, 57, 9-автобусларнинг «Енгиндан муҳофаза қилиш бошқармаси» бекати.

1996 йили Қибрай ҳунар кишлоқ ҳўжалиги коллежи (собик 36-хунар билим юрти) томонидан Холмуродов Музаффар Тожи Муродович номига берилган АУ 024630 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

1994 йили Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманидаги 50-мактаб томонидан Соҳибов Толиб Қўлиевич номига берилган № 5726:29 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Педиатрия илмий-текшириш институти жамоаси бош икти-содчи Насиба Кундузовна Иноғомовага онаси

**РИХСИХОН АЯНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Бехрузбек—Муслима» масъулияти чекланган жамияти жамоаси корхона раҳбари Ҳожибек Урмонович Урмоновга онаси

**ҲАЛИМА АЯНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

«Тошшахармаишхизматушма»си «А.О.О Дилором» хусусий фирмасининг раҳбари Одил Обидович Абдурахмоновга умр йўлдоши

**Сўфияхон АБДУРАХМОНОВАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

А.О.О. «Дилором» хусусий фирмаси жамоаси фирманинг бош раҳбари Одил Обидович Абдурахмоновнинг турмуш ўртоғи

**Сўфияхон АБДУРАХМОНОВАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъжйларини, таваллуд қулари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва ушбу ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади. Эълонлар шайба ва лхсанбадан ташқари ҳар кун соат 9,00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

**Маълумотлар учун телефон:**  
133-28-95.  
Факс: (3712) 133-29-09.

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

Бош муҳаррир **Ақмал АКРОМОВ**  
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. Босмага топшириш вақти 14.00. Топширилди 15.00. 1 2 3 4 5 6